

Юқори даражадаги Ўзбекистон-Ҳиндистон саммити янги шароитларда икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантириш суръатини мустаҳкамлади

ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН САММИТИ ЯНГИ ШАРОИТЛАРДА ИККИ МАМЛАКАТ ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СУРЪАТИНИ МУСТАҲКАМЛАДИ

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг маданий-тарихий жиҳатдан яқинлиги, узоқ мuddатли манфаатлари ва мамлакатлар иқтисодийётининг бир-бирини тўлдирувчи хусусият касб этишининг мос келиши ҳамда иккала томоннинг кенг қиррали ҳамкорликни бирга ривожлантиришга интилиши кўп асрлик Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлигининг стратегик шериклик форматида айланганини табиий ҳолга келтирмоқда.

Тажриба

Айниқса, Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш масалаларига бевосита икки мамлакат раҳбарларининг алоҳида эътибор қаратишлари давлатлараро муносабатларнинг бундай мустаҳкамланишини осонлаштирмоқда. Жорий йилнинг 11 декабрида глобал эпидемиологик инқироз ва унинг иқтисодий оқибатлари сабабли дунёдаги ҳозирги оғир вазиятда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Ҳиндистон раҳбарларининг онлайн саммити ҳам бунга тасдиқлайди.

Ушбу учрашув Президент Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазир Нарендра Модига йил охирида ҳамкорлик натижаларини сарҳисоб қилиш, коронавирус пандемияси атрофидаги вазият ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва глобал масалалар бўйича фикр алмашиш имконини берди. Шу билан бирга, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шерикликни янги, янада юксак босқичга олиб чиқиш бўйича янги режалар ва келгуси ишлар белгилаб олинди.

Ишонч муҳитида бўлиб ўтган онлайн-учрашувни Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларида янги бошланғич нуктани яратган яна бир муҳим воқеа, деб баҳолаш мумкин. Саммит якунида эришилган қатор келишувлар тўғрисида ҳам бундан далolat беради: давлатлар етакчилари қўшма баёноти қабул қилдилар ҳамда 9 та ҳужуматлараро ва идоралараро битимлар ва меморандумлар қабул қилинишини маъқуладилар.

Шу билан бирга, пандемия даврида бўлиб ўтган онлайн-учрашув Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари нафақат синовдан ўтганлигини, балки кўп босқичли стратегик ҳамкорликни намойиш этганининг ҳам далилига айланди. Масалан, транспорт бирлашуви ва

Преференциал келишув тўғрисидаги ҳулоса масаласини тезлаштириш орқали ҳар икки мамлакат иқтисодийётлари ҳамкорлигини кенгайтириш учун имкониятлар қидириш ишлари давом этмоқда. Бу савдо алоқаларини жадаллаштириш ва алоқалар ҳажмини 1 миллиард АҚШ доллари етказиш имконини беради.

Инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик яна бир муҳим йўналишга айланди. Хусусан, музокараларда ҳар икки мамлакат эркин иқтисодий зоналари, жумладан, Андиджон вилоятидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон эркин фармацевтика зонаси салоҳиятидан фойдаланиш истиқболлари муҳокама қилинди. Бунда иккала мамлакатнинг масъул вакилларига инвестицияларни илгари суриш ва ҳимоя қилишга хизмат қиладиган икки томонлама инвестиция битими тузиш ишларини жадаллаштириш бўйича кўрсатма берилиши муҳим келишувлардан бири бўлди. Бу борада Шавкат Мирзиёев инвестициялар ва Ҳиндистон ҳукуматининг “Ҳиндистонда ишлаб чиқаринг” флагман дастури доирасида ишлаб чиқариш учун Ҳиндистон салоҳиятини жалб қилинишини маъқулади. Ўз навбатида, Нарендра Модига умумий ҳажми 448 миллион долларлик кредит маъқуланганини тасдиқлади. Ушбу маблағ Ўзбекистонда йўл қурилиши, оқова сувларни тозалаш ва ахборот технологиялар соҳасидаги тўртта лойиҳани ривожлантириш учун тақдим этилади. Буларнинг барчаси пандемия инқирози туғғанига қадар Ўзбекистон ва Ҳиндистон томонидан ўзаро манфаатли бўлган амалий йўналишлар бўйича кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришда мустаҳкам асос яратилишини кўрсатади.

Биринчидан, икки томонлама ҳамкорлик кун тартиби тобора кенгаймоқда, унда янги драйверлар пайдо

бўлмоқда. Инновацион соҳа улар орасида энг истиқболли ва умидли йўналиш ҳисобланади. Ушбу саммитда қайта тикланадиган энергетика, рақамли технологиялар, киберхавфсизлик соҳалари бўйича ҳамкорлик меморандумларининг имзолаани самарасида Ўзбекистон бу соҳада дунё етакчиларидан бири бўлишга даъвогарлик қилаётган Ҳиндистоннинг технологик-инновация салоҳиятидан кенг фойдаланиш имконига эга бўлади. Сўнгги йилларда Ҳиндистон дунёдаги IT-хизматлар ва дастурлаш соҳаси бўйича устун мавқега эга бўлмоқда. Ҳиндистон IT-тармоғи фақат экспортга ишлаши ҳам бежиз эмас. У IT-саноат даромадининг қарийб 75% ни ташкил қилади. Айни дамда ушбу тармоқнинг мамлакатдаги йиллик жами даромади 175 миллиард доллардан ошироқ деб баҳоланмоқда.

Ҳиндистонда шаклланган барқарор стартап-экотизим алоҳида эътиборга лойиқ. У дунёдаги технологик стартаплар сони бўйича етакчилик қилмоқда. Шу нукта назардан, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш стратегик режаларга мос келиши аниқ. Ушбу мақсадларга эришишда ўзининг илғор тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёр эканини билдирётган Ҳиндистон, айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2025 йилгача “Бир миллион ўзбек дастурчиси”ни тайёрлаш дастури доирасида ишончли ҳамкор бўлиши мумкин.

Иккинчидан, икки мамлакат раҳбарларининг транспорт алоқаларини ривожлантириш бўйича алоқалар фаоллаштириш бориши, кейинчалик истиқболда Ўзбекистонни ўмон кўрφαзи орқали Ҳиндистон билан боғлайдиган “Шимол — Жануб” лойиҳасини қучайтириш ва Ўзбекистон юкларини Жанубий Осиёга олиб боришини энгиллаштириши мумкин. Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасида транспорт-логистика тўташ жойлари истиқболда бирлашиши

бенефициарлари нафақат икки мамлакат бўлишлари мумкин, бунда Афғонистонни ҳам инобатга олиш керак, унинг худудидан Афғонистонни минтақалараро савдо тизимига тортиб кирилишини таъминловчи транспорт-коммуникация йўллари ўтади. Бу, сўзсиз, Афғонистон можароси бартараф этилишига ёрдам беради, қўшни мамлакатда узоқ мuddатли ва барқарор тинчликка эришиш жараёни учун ижтимоий-иқтисодий асос яратди. Натижада минтақадagi барча мамлакатлар учун транзит имкониятлари афзалликларидан фойдаланиш, шаклланаётган янги моделнинг глобал заنجирдаги етказиб бериш ва ўз иқтисодиётлари жаҳон иқтисодиёт тизимига чўқур интеграллашувиға кенг имкониялар очиб беради.

Учинчидан, томонлар фақат Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига янги динамика бағишлаш билан чекланиб қолмайди. Бизнинг давлатимиз бутун Марказий Осиё минтақаси манфаатларини ишончли илгари сурадиган мамлакат сифатида чиқмоқда. Бунинг ёркин намунаси сифатида Ўзбекистон томонидан “Марказий Осиё — Ҳиндистон” форматидаги мулоқотни ўтказиш ташаббусини кўриш мумкин. Уни барча иштирокчилар қўллаб ва юқори баҳо бериб келмоқда. Ушбу майдон фаолияти Нью-Делининг Марказий Осиё пойтахтлари билан фаол ҳамкорлик олиб бориши учун қулай шароитлар ярат-

ди. Ҳиндистон сиёсий ва эксперт доираларида Ўзбекистоннинг минтақадagi янги курси туфайли минтақадagi барқарорлик ва ривожланишни таъминловчи вазият юзага келди, деган фикр илгари сўрилмоқда.

Бундай шароитда Нью-Дели Марказий Осиёда юзага келаётган янги имкониятлардан фойдаланиб қолмоқчи бўлмоқда. Ҳиндистон компаниялари томонидан биринчи планга товар ва хизматлар бозорларига эркин кириб бориш, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг истиқболли тармоқлари ўзлари учун аънанавий ҳисобланиб келган — ахборот технологиялари ва дастурий таъминот, фармацевтика ва тиббий жиҳозлар, тўқимачилик, чарм махсулотлари ҳамда бошқа соҳаларга кириб бориш ва ўз жойини эгаллаб олиш мақсадлари чиқиб келмоқда.

Ушбу вазифаларни бажаришнинг долзарблиги Ҳиндистоннинг жаҳонда Осиёнинг йирик савдо ва саноат салтанати сифатидаги ўз позицияларини мустаҳкамлаб олиш таққи иқтисодий устувор вазифалари билан узвий боғлиқдир. Ушбу контекста шунга таъкидлаб ўтиш керакки, Нью-Дели минтақадagi асосий савдо шерикларининг ўнтанилигиға киради. Ҳиндистон томони минтақадagi фармацевтика соҳасида сезиларли қатнашиб келмоқда. Ҳиндистонга Марказий Осиё мамлакатлари дори-дармон махсулотлари импорти улушининг 30 фоизи тўғри келмоқда.

Умуман олганда, икки мамлакат раҳбарларининг шахсий сый-ҳаракатлари туфайли, Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларида яқинлашиш томонига, шунингдек, иқтисодиётларини бир-бирларини тўлдирish ва ўзаро боғланганлигини таъминлаш томонига сифат жиҳатдан силжиш бўлмоқда. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги бундай шерикликнинг ривожланиб бориши Афғонистонни минтақавий ўзаро боғлиқлик тизимига интеграция қилиб, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида узоқ мuddатли ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Санжар ВАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги
Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
директорининг ўринбосари,
Азиз КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги
Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар
институтининг етакчи илмий ходими.

ЎзА.

«Халқ сўзи» газетаси № 262, 13.12.2020